

ПОРЕЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Шуҳратжон Қурбонов

*Наманган вилояти судининг жиноят ишлари
бўйича судьячи*

Аннотация: Мақолада жиноят-процессуал қонунчилигидаги мавжуд шахсларниң конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбуров чоралари ва тергов ҳаракатларини таснифлашнинг янги механизмлари, турлари ажратилган. Шунингдек, шахс ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ мажбуров чоралари ва тергов ҳаракатлари борасидаги жиноят-процессуал қонунчиликдаги мавжуд айрими қарама-қаршиликлар, ҳуқуқий бўшликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар баён қилинган.

Калит сўзлар: шахс ҳуқуқларини чеклаш, мажбуров чоралари, тергов ҳаракатлари, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд

Давлатимизда қонун устуворлигини таъминлашда инсон қадр-қимматининг юқори даражага кўйилиши муҳим ўрин эгаллайди. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, мазкур фаолиятни айниқса жиноят процесси соҳасида амалга ошириш асосий эътибор талаб қиласидиган омил ҳисобланади. Шу аснода, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлизлилк ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. “Хабеас корпус” институтининг Ўзбекистон Республикаси жиноят процессига босқичма-босқич жорий қилиниши судга қадар иш юритишида фуқароларнинг Конституция ва қонуларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлизлигини, улардан суд қарорисиз маҳрум қилишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслигини мустаҳкамловчи конституциявий принципни тўлиқ амалга ошириш имконини беради.

Жиноят-процессуал фаолият инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига энг кўп даражада дахл қилувчи жиноий жазони, шунингдек, давлат мажбуров чораларини (ушлаб туриш, ҳибсга олиш (қамоқ), тинтуб ўтказиш ва х.к.) қўллаш билан боғлиқ бўлиб, бу орқали жиноятларни тез ва тўла очиш ҳамда жиноят содир этганларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлаш учун зарур шароит яратилади. Шу сабабли ушбу фаолият одил судлов кафолатларини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини яратувчи ҳуқуқий нормалар билан қатъий ва батафсил тартибга солинади. Ушбу нормалар муҳимлиги сабабли, уларни фақат қонун чиқарувчи ҳокимият

белгилайди. Амалдаги ЖПКга мувофиқ, шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказган (жиноят содир этган) субъектларга нисбатан давлат томонидан белгиланган таъсир чораларини тегишли органлар (муассасалар), мансабдор шахслар ва шахслар мажбурий тартибда қўллаши мумкин. Бунда давлат мажбурловининг шакли бўлган жиноят-процессуал мажбурлов қўлланилади. Жиноят-процессуал мажбурлов чораларини қўллашдан мақсад процесс иштирокчиларининг зиммасидаги мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, жиноят ишларини юритиш учун мақбул бўлган шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Жиноят-процессуал мажбурлов деганда, жиноят процессининг вазифалари самарали рўёбга чиқарилишини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга таҳдид туғдирувчи ноқонуний қилмишларнинг олдини олиш мақсадида, қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлганда ва белгиланган тартибда ваколатли субъектлар томонидан жиноят процессининг иштирокчиларига нисбатан қўлланиладиган шахсий, мулкий ва ташкилий тавсифдаги ҳукуқий чекловлар кўринишидаги давлатнинг таъсир чоралари йигиндиси тушунилади.

К. Калиновскийнинг фикрига кўра, “Жиноят-процессуал мажбурлов чораларибу процесни олиб борувчи органларнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган, жараённинг бошқа иштирокчиларининг ҳукуқларини уларнинг иродасига қарши чеклайдиган ҳаракатлари ва қарорлари.” ҳисобланади.

Бу ўринда К. Калиновскийнинг фикрларига тўлиқ қўшила олмаймиз. Чунки унинг фикрларида мажбурлов чораларини бошқа иштирокчиларининг ҳукуқларини уларнинг иродасига қарши чеклайдиган ҳаракатлар ва қарорлар сифатида баҳолаш каби бир мунча бир ёқлама ёндошув мавжуд. Бизнинг фикримизча, мажбурлов чораларини фақатгина шахсларнинг ҳукуқларини чеклаш эмас, балки иккинчи жабрланувчи томоннинг қонуний манфаатларини тиклаш ва қонун устуворлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўз навбатида, К. Калиновскийнинг мажбурлов чораларини таснифлаш борасида бир қанча ижобий натижаларга эришганлигини эътироф этган ҳолда, ушбу таснифлаш жараённига тўхталиб ўтсак. Унинг фикрича, мажбурлов чораларни таснифлаш бир неча мезонларга мувофиқ амалга оширилади.

Жумладан: – Таркибга кўра мажбурлаш жисмоний ёки руҳий бўлиши мумкин; – Мавзу бўйича. Мажбурий чоралар процессуал ва процессуал бўлмаган ҳукуқларни ва процеснес иштирокчиларини чеклашга қаратилган бўлиши мумкин. Чекланган ҳукуқнинг тури ва уни чеклаш даражаси мажбурлаш чораларини зўравонлик даражаси бўйича ажратишга имкон беради; – Ариза

бериш тартибига кўра: тортишув тартибида қўлланиладиган чоралар (тарафнинг илтимосига биноан суд томонидан) ва қидирав тартибида қўлланиладиган чоралар (тергов органи томонидан ўз ташаббуси билан). Қарамақарши процедура (суд қарори) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклайдиган чораларни талаб қиласди. Фавқулодда вазиятларда мажбурлаш қидирав моделига мувофиқ дарҳол қўлланилади (ЖПКнинг 5-моддаси 165-кисми).

– Мажбурлашдан фойдаланиш асосида у кейинги ёки профилактика (профилактика) бўлиши мумкин. Кейинги мажбурлаш процессуал нормаларнинг бузилиши натижаси ҳуқуқбузарнинг процессуал жавобгарлиги. Уни қўллаш учун асос жиноий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Бундан ташқари, қўллаш мақсадларига кўра, кейинги мажбурлаш жазо (мақсад ҳуқуқбузарлик содир етувчига жавобгарликни юклаш) ва тикловчи ёки ҳимоя чораларига (мақсади бузилган қонун ва тартибни тиклаш учун жавобгарликни юклаш емас) бўлинади. Жазо мақсадлари бир пул жазо қўллаш томонидан таъкиб қилинган ва гаров давлат даромад мурожаат профилактика чораси шаклида амалга оширилади. Ресторатив мажбурлаш чоралари субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қиласди ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди.

Булар: суд залидан ҳуқуқбузарни чиқариб юбориш, эҳтиёт чорасини қаттикроқ чорага ўзгартириш (110-модда); тергов ҳаракатлари пайтида қаршиликни енгиш ва ҳоказо. Эҳтиёт чоралари шаклидаги мажбурлаш келажакда процессуал тартибни бузилишининг олдини олиш билан боғлиқ. Бундай мажбурлаш мажбурий шахсларнинг айбисиз қўлланилади ва профилактика ва ҳимоя ҳисобланади. Уни қўллаш учун асос келажакда юзага келиши мумкин бўлган процессуал бузилиш ҳақида оқилона тахминдир. Ушбу гурухга қуидагилар киради: гумон қилинувчини ҳибсга олиш, эҳтиёт чоралари, мулкни олиб қўйиш ва бошқалар. – Тикловчи ва профилактик мажбурлов чоралари мақсадлари учун тўрт гурухга бўлинади: а) далилларни олиш, б) мулкий жазолар, в) процесс давомида буюртма, в) айбланувчи ёки гумон қилинувчининг тўғри хулқ-атвори. Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодекси процессуал мажбурлаш чораларини уч гурухга ажратади:

1) гумон қилинувчини ҳибсга олиш; 2) эҳтиёт чоралари; 3) бошқа мажбурий чоралар. Мажбурлаш чораларининг учинчи гурухи яна иккига бўлинади: а) гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан қўлланилади ва б) жабрланувчига, гувоҳга, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга, экспертга, мутахассисга, таржимонга нисбатан қўлланилади

Рус олимларидан яна бири, В.А. Яблоков чеклашларнинг қонунийлигини суд томонидан текширилаётган конституциявий ҳуқуққа кўрақуйидаги турларга таснифлаган:

- 1) озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг чекланишининг қонунийлиги устидан суд назорати;
- 2) ёзишмаларнинг сир сақланиши ҳуқуқи чекланишининг қонунийлиги устидан суд назорати;
- 3) тураг-жой дахлсизлиги ҳуқуқи чекланишининг қонунийлиги устидан суд назорати;
- 4) хусусий мулк ҳуқуқи чекланишининг қонунийлиги устидан суд назорати;
- 5) бошқа конституциявий ҳуқуқлар чекланишининг қонунийлиги устидан суд назоратини ажратган.

Шу ўринда ушбу олимларнинг таснифлашларига қисман қўшилган ҳолда, шахс ҳуқуқларини чекловчи чораларни ўз Конституциямиз ва миллий қонунчилигимздан келиб чиқсан ҳолда таснифлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча бугунги кунда мамалакатимиз жиноят-процессуал қонунчилик назариясида ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида судга қадар иш юритувида шахс ҳуқуқларини чеклаш механизми доирасидаги чоралар аниқ ва етарлича таснифланмаган. Шу муносабат билан тадқиқот иши доирасида шахсий фиклар ва амалий тажрибадан келиб чиқсан ҳолда ушбу чораларини қўйидагича таснифлашни мақсадда мувофиқ деб ҳисобладик. Хусусан, қўлловчи субъектлар бўйича, турлари бўйича, чорани қўллаш натижасида шахснинг қандай ҳуқуқлари чекланиши бўйича, далиллар нуқтаи назаридан, ташкилий мақсадлари бўйича, ўтказиш зарурати бўйича, техник воситалардан фойдаланиш бўйича, Жиноят-процесси босқичлари (жиноят ишининг мавжудлиги) бўйича, чораларни қўллаш мумкин бўлган жиноят процесси иштирокчилари бўйича таснифлашни лозим топдик. Биринчи навбатда чораларни қўлловчи субъектларига тўхталадиган бўлсак, бу чоралар суд томонидан қўлланадиган чоралар, булар: паспортнинг (ҳаракатланиш хужжатининг) амал қилишини тўхтатиб тuriш, айланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш каби мажбурлов чоралари, қамоқقا олиш, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чоралари, мурдани эксгумация қилиш ва почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш каби тергов ҳаракатлари, тинтуб ўтказишга, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшишиб тuriшга ҳамда улар орқали узатиладиган ахборотни олишга, уй-жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ҳамда бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳуқуқларини чекловчи ҳамда абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақида

ахборот олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга рухсат беради.

Терговчи (суриштирувчи) томонидан қўлланиладиган чоралар эса ушлаб туриш, мажбурий келтириш, фуқаронинг уйи ёки хизмат жойини кўздан кечириш, фуқаронинг уйи ёки хизмат жойи ва қўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ҳисобланди. Гарчи ушбу чоралар натижасининг шахснинг дахлсизлик ҳуқуқи, мулкининг дахлсизлигига таъсир этса-да, уларни қўллаш бўйича ягона тартиб ЖПКда белгиланмаган. Хусусан, муносиб хулқ-авторда бўлиш тўғрисида тилхат, шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги, гаров, вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш, ҳарбий хизматчининг хулқ-автори устидан қўмондонлик кузатувига топшириш каби эҳтиёт чоралари ҳам терговчининг қарори асосида танланади, мажбурий келтириш терговчининг ЖПКнинг 263-моддасида белгиланган тартибда чиқарган қарори асосида амалга оширилади, ушлаб туриш эса жиноят иши қўзғатилгунига қадар ЖПКнинг 224-моддаси тартибида баённомаса асосида, жиноят иши қўзғатилганидан сўнг 227-модда тартибида ушлаб туриш тўғрисидаги қарор асосида амалга оширилади. ЖПКнинг 139-моддасида эса “фуқаронинг уйи ёки хизмат жойи зарурати бўлса, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи бу ҳақда қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Туар жойи кўздан кечирилаётган шахс ёки тегишли корхона, муассаса, ташкилотнинг вакили чиқарилган қарор ёки ажрим билан таништирилиб, бу ҳақда имзо чектирилади” деб белгилангани ҳолда фуқаронинг уйи ёки хизмат жойида эксперимент ёки қўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш масаласи очик қолган.

Амалдаги ЖПКнинг сақланиб қолаётган ҳуқуқий бўшлиқлардан яна бири иш бўйича объектив далилларни тўплашда самарали хизмат қилувчи абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақида ахборот олиш билан боғлиқ тергов харакатининг мавжуд эмалиги ҳамда бу турдаги далилларни тўплаш бевосита исбот қилиш субъекти ҳисобланмаган тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган мансабдор шахси орқали олинаётганлиги ҳисобланади. Шахс ҳуқуқларини чекловчи чоралари мазмуни ва қўлланиш мақсадига кўра икки турга, яъни мажбурлов чоралари ва тергов ҳарокатларига бўлинади. Мажбурлов чоралари ЖПКнинг 4-бўлимида белгиланган тартибда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан жиноят процесси иштирокчиси тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган бўлса, шунингдек, гумон қилинувчи, айланувчининг келгуси жиноий фаолиятининг олдини олиш ва хукм ижросини таъминлаш учун зарур бўлса қўлланади. Жиноят-процессуал

мажбурлаш чораларини қўллаш муносабати билан шахсларнинг хуқуқларини таъминлаш билан боғлик хусусий масалалар даражасида; тартибга солувчи тартибга солиш муаммолари ва давлат мажбурлашнинг айрим чораларини қўллаш амалиёти, шунингдек бошқа жиҳатларини Н.И. Капииус, Н.Н. Ковтуи, Н.Н. Короткий, Н.В. Уговец, Р.Р. Маизов, Е.А. Малина, И.В. Машиенко, Н.Г. Нарбикова, Ю.Г. Овчинников, А.В. Ольшевский, В.Т. Очередин, Е.А. Пидусов, А.В. Писарев, К.В. Гитулько, К.В. Попов, В.В. Смирнов, А.В. Тарасов, П.В. Ткачева, Л.К. Трунова, И.Б. Тутыии, И.М. Хапаевлар ўрганишган.

Шу соҳада тадқиқот олиб борган О.И. Цоколованинг фикрига кўра, жиноят-процессуал мажбурлашмас – бу процесснинг мақсадларига эришиш учун жиноят-процессуал хуқуқий муносабатларга давлат ҳокимиятининг таъсир қилиш усули. Шу ўринда О.И.Цоколованинг ушбу фикрига қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, давлат жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш учун барча соҳадаги ижтимоий муносабатларнинг хуқуқнинг тегишли тармоқлари орқали тартибга солади. Ўз навбатида шахснинг жиноий қилмишлари учун жазо муқаррарлигини таъминлаш ҳамда жиноий қилмиш натижасида жабрланган бошқа шахсларнинг қонуни манфаатларини тиклаш мақсадида давлат ўзининг тегишли мансабдор шахслари орқали ўрнатилган риоя қилинишини таъминлайди. Амалдаги ЖПК бўйича мажбурлов чораларининг қўйидаги турлари мавжуд, яъни Мажбурлов чоралари: ушлаб туриш, эҳтиёт чоралари, паспортнинг (ҳаракатланиш хужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш, лавозимдан четлаштириш, мажбурий келтириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш. Бироқ, миллӣ қонунчилигимизда бу борада муайян хуқуқий бўшлиқлар мавжуд.

Жумладан мол-мулкни хатлаш хусусияти ва қўлланиш мақсадига кўра, мажбурлов чоралари сирасига кирса-да, айни вақтда ЖПКда хукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлашга хизмат қилувчи чораси сифатида белгиланган. Натижада, ушбу процессуал ҳаракат на мажбурлов чоралари ва на тергов ҳаракатлари сирасига киритилмаган. Шу билан бирга уни қўллашдаги яна бир камчилик бу – шахснинг мулк хуқуқи конституциявий хуқуқи ҳисоблангани ҳолда, ушбу процессуал ҳаракатни амалга ошириш учун санкция прокурор томонидан берилиши белгиланганлигидир. Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, шахснинг ҳаракатларида жиноят таркиби бор ёки йўқлигини аниқлаш ва ҳолатга тўлиқ хуқуқий баҳо бериш мақсадида тегишли мансабдор шахслар суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан тегишли тергов ҳаракатлари ўтказилади. Ушбу ҳаракатларнинг мазмuni ва шакли жиҳатдан А.Р. Белкин томонидан берилган қўйидаги таърифга қўшилишимиз мумкин яъни, “Тергов ҳаракатлари жиноят иши учун аҳамиятли ҳолатларни исботлаш учун тўлиқ ангаланган ва

тасдиқловчи операциялар мажмуаси” хисобланади.

Шу ўринда, амалдаги қонунчилик нұқтаи назаридан шахснинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ бўлган қуидаги тергов ҳаркатларини санаб ўтишимиз мумкин. Булар, олиб қўйиш, тинтув, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, почтателеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш, фуқаронинг уйи ёки хизмат жойини кўздан кечириш кабилар. Бироқ бу тергов ҳаракатларини шахснинг конституциявий хуқуқларини чеклаш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари сифатида таснифланишини фақатгина салбий нұқтаи назардан қарамаслик лозим бўлади. Чунки, тергов ҳаракатлари аниқ конституциявий хуқуқ ва эркинликларни чеклаши мумкин, аммо шу билан бирга, худди шу ҳаракатлар ҳеч қандай салбий мақсадларни кўзламайди, балки фақат жиноят-процессуал қонунининг мақсадларига эришишга, яъни жиноятлардан азият чеккан шахслар ва ташкилотларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ваяхсни ноқонуний ва асоссиз айбловдан, судланганликдан, унинг хуқуқ ва эркинликларини чеклашдан уларни ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбек олимларидан Д.Миразовнинг фикрига кўра “Суд контроли институти суднинг одил судловни амалга ошириш функцияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у шахснинг хуқуқ ва қонуний манфаатлари дастлабки тергов босқичида ноқонуний ва асоссиз равишда чекланмаслигини таъминлашга хизмат қиласи.

Б. Мўминовнинг фикрига кўра, “ЖПК ишни судга қадар юритиш учун масъул органларга одил судловнинг мақсадларидан келиб чиқиб, конституциявий ҳукуқ ва эркинликларни чекловчи тергов ҳаракатлари ўтказиш ва процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколатини берган. Суд назорати мазкур ваколатларни суиистеъмол қилинишини олдини олиш, конституциявий ҳукуқ ва эркинликларни чекловчи тергов ва процессуал ҳаракатларнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш, шикоятларни кўриб чиқиш йўли билан конституциявий ҳукуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишга қаратилган”.

Биз ушбу олимларнинг фикрларига қўшилган ва уларни фикрларин қўллаб қувватлаган ҳолда шу таъкидлашимиз мумкинки, шахснинг конституциявий хукуқларини чекловчи санаб ўтилган чоралар улар ҳоҳ процессуал мажбурлов чоралари бўлсин, ҳоҳ тергов ҳаракатлари бўлсин суднинг санкцияси асосида амалга оширилиши мақсадгага мувофиқ саналади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Маллифлар жамоаси, Миренский Б.А., Ражабова М.А. Миразов Д.М., Жиноят-процессуал ҳуқук дарслик. 11-бет, ИИВ АКадемияси, Тошкент-2019

2. “Уголовный процесс” Калиновский К.
http://kalinovskyk.narod.ru/p/krat_kurs/7-1.htm
3. Яблоков В.А. Реализация судебной власти на досудебных стадиях уголовного процесса России. Дисс... канд. юрид. наук. Самара, 2001. С. 83-8
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент-1994.
5. Ўзбекистон Республикаснинг “Банк сири тўғрисида”ти Қонуни. Тошкент-2003.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент-1994.
7. Воронов Д.А. Меры уголовного процессуального принуждения как средства обеспечения безопасности участников уголовного судопроизводства:
 Автореферат ...дис. кандидат.юрид. наук. Владимир-2009.
8. Criminalistic tactics: Textbook / under general editorship of A.F. Aubakirov, A.R. Belkin, A.Ya. Ginzburg. Almaty, 1998. С. 40.
9. Кошечкина Я.А., С.С. Шагинянц “Следственные действия, связанные с ограничением конституционных прав граждан, проводимые по решению суда”. <https://cyberleninka.ru/article/n/sledstvennye-deystviya-svyazannye-s-ogranicheniemkonstitutsionnyh-prav-grazhdan-provodimye-po-resheniyu-suda/viewer>.
10. Миразов Д.М. “Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари” мавзусида докторлик диссертацияси автореферати. 21-бет. Тошкент-2016.
11. Мўминов Б.А. “Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати” мавзусида докторлик диссертацияси. 66-бет. Тошкент-2020.